

Ш. У. Абдуллаев

доцент, ЎзР Жамоат хавфсизлиги университети, Ўзбекистон.

Г. С. Джумаева

ўқитувчи, Чирчиқ давлат педагогика университети, Ўзбекистон.

ҲАРБИЙ ОЛИЙ ТАЪЛИМ МУАССАСАЛАРИДА ПРОЕКТЛИ ТАЪЛИМНИНГ ХУСУСИЯТЛАРИ.

Аннотация: Мақолада таълимнинг фанлараро характери, ҳарбий таълим муассасаларидагидаги ўқув жараёнларининг баъзи хусусиятлари билан белгиланиши асосланган. Ҳарбий билим юртларидаги ўқув жараёнини ўзига хослиги, ўрганиладиган фанларнинг амалий йўналишга эгаллиги билан характерланиши кўрсатилган.

Калит сўзлар: ҳарбий касбга йўналтирувчи таълим, аниқ-табиий фанлар, йўналтирилган - муаммоли таълим, проектли таълим.

Sh.U. Abdullaev

teacher, University of Public Security of the Republic of Uzbekistan.

G.S. Djumaeva

teacher, Chirchik State Pedagogical University, Uzbekistan.

FEATURES OF PROJECT EDUCATION IN MILITARY HIGHER EDUCATION INSTITUTIONS

Abstract: In the article, the interdisciplinary nature of education is based on the definition of some features of educational processes in military educational institutions. The uniqueness of the educational process in the military educational institutions, the practical orientation of the studied subjects is shown.

Key words: military career oriented education, concrete-natural sciences, oriented - problem-based education, project-based education.

Ҳарбий касбга йўналтирувчи таълимнинг муаммолари ва бу таълимга бўлган қизиқишнинг ўзгариши, ҳуқуқий давлат ва ривожланаётган иқтисодиёт билан боғлиқ ҳолда, ҳарбий кадрларни тайёрлайдиган ҳарбий-техник билим юртларида курсантларнинг билими, малака ва кўникмасини ошириш муаммолари билан боғлиқ бўлиб, бу ҳолат курсантларнинг фанлар бўйича тайёргарлигига, кейинчалик уларнинг аниқ-табиий фанларни ўзлаштириши, уларнинг касбга тегишли курсларини ўзлаштириш қобилиятига таъсир этади. Бундай шароитларда ҳарбий-техник билим юртларида касбий тайёргарликни мукамаллаштириш ва ривожлантиришнинг етакчи ғояси, таълимнинг фундаментлаштирилиши ва ҳарбий-техник билим юртининг битирувчисидан юқори касбий маҳоратни шакллантириш ғояси бўлиб, бу математика ва табиий фанлар бўйича таълим жараёнини ўзгартириш системасини ишлаб чиқиш заруриятини тақозо қилади.

Бу асосда курсантнинг ушбу сифатлари: дунёқарашининг кенглиги, касбий мослашиш ва тезкорлик, бутун ҳаёти давомида ўз устида ишлаш ва ўрганиш, ижодий фикрлаш қобилияти самарали шаклланиши мумкин. Бундан ташқари, таълим жараёнини ҳар томонлама мукамаллаштириш ва ахборотлаштириш масаласини, курсантларнинг мустақил ва аудитория ишларини методик-дастурий таъминотсиз ҳал етиб бўлмайди. Проектли таълимни қўллашнинг афзалликлари, таълим жараёнида ушбу методнинг қўлланилишида таъминланадиган имкониятлар билан ифодаланади[1]:

- Йўналтирилган - муаммоли таълим билан биргаликда қўллаш: муаммо маъруза мобайнида талабаларга ҳавола қилинади, ҳисоблашлар амалий машғулотларда ёки курсантлар гуруҳи билан мустақил равишда, қисман ёки тўлиқ экспериментал текшириш, қўйилган муаммоларнинг проектлари мос мавзулар бўйича қурилмаларда бажарилади.

- Ностандарт ҳолатларда реал муаммоларни ҳал этишда математик ва табиий-илмий билимларнинг қўлланилиб, ҳарбий-техник билим юрти курсантларининг бўлажак касб маҳоратининг шаклланади.

Таълимнинг фанлараро характери, ҳарбий-техник билим юртларидаги ўқув жараёнларининг баъзи хусусиятлари билан белгиланади. Ҳарбий-техник билим юртларидаги ўқув жараёнининг ўзига хослиги, ўрганиладиган фанларнинг амалий йўналишга эгалиги билан характерланади. Бунда физика фани, техника йўналишдаги фанларнинг фундаментал асосини ташкил этади(масалан, электротехника, микроэлектроника, материалшунослик, материаллар қаршилиги, геофизика ва бошқалар). Бундан ташқари, физика фани гуманитар ва иқтисодий йўналишли фанлар билан ҳам боғлиқ(фалсафа, тарих, иқтисодиёт ва бошқалар). Бирор проектнинг физикавий асосини, шунингдек, бошқа фан(масалан, математика ва кимё) ва йўналиш фанлари билан физик асосларнинг алоқадорлигини аниқлаб, курсантлар гуруҳи, проектнинг конструкторлик ва структуравий қисмини кўриши мумкин. Юқорида кўрсатилганларни эътиборга олиб, проектнинг бажарилиш структураси қуйидагича қурилиши мумкин[2]:

1. Курсантларнинг қизиқишлари соҳасини аниқлаш мақсадида анкета сўрови ўтказиб, жамоалар ташкил этиш ва жамоа сардорини аниқлаб, талабаларни шахс-йўналтириш усули асосида гуруҳларга бўлиш.
2. Курсантлар учун проектни бажаришнинг энг қизиқарли томонларини намоиш қилиш: назарий билимлар ва амалий малакалар, илмий-тадқиқотнинг ёки проектнинг натижасига эришиш(буюртмачи талаби бўйича).
3. Проектларнинг муаммоси, мақсадларини қуйиш ва яратиш(профессор-ўқитувчилар ва проектни ишлаб чиқувчилар сифатида, тегишли кафедра ходимлари биргаликда ишлаб чиқади).
4. Проектларнинг физикавий(кимёвий ва ҳ.к.) асосларини аниқлаш. Шунингдек, йўналиш фанларининг физикавий(кимёвий ва ҳ.к.) асосларининг алоқадорлигини профессор-ўқитувчи иштирокида аниқлаш.

5. Проектнинг конструкторлик қисмини муҳокама қилиш ва уни тасдиқлаш: проекнинг ҳисоблаш қисмини ва бошқа алоҳида қисмларини моделлаш, конструкцион материалларни танлаш, иқтисодий ҳисоблаш ва маркетинг башорат қилиш.

6. Проектнинг амалга оширилиши ва унинг синови, проект режасини аниқлаштириш, проектни ҳимоя қилиш, конференцияларда маъруза ёки мақола тайёрлаш, шунингдек грантларда иштирок етиш.

Проектлар устида ишлаш, универсал касбий маҳорат(умумилмий, экспериментал, ижтимоий - шахслилик ва умуммаданий, давлат таълим стандарти намунасининг янги авлоди) шаклланишига имкон беради. Шунингдек, проектнинг илмий асосини ўрнатиш, проектнинг мавзуси билан йўналиш фанининг боғлиқлиги, тажрибалардаги ва қурилмалар тайёрлашдаги амалий малаканинг шаклланишига имкон беради. Проектлар устида ишлаш натижалари, курсантнинг курс ва битирув ишларида намоёниш қилиниши мумкин. Табиий ва аниқ фанларни ўқитишни фундаменталлаштиришни, физика, математика ва махсус фанларнинг ўзаро алоқасини, шунингдек физиканинг бўлимлари ва мавзулари орасидаги алоқадорликни ҳисобга олмасдан тасаввур қилиб бўлмайди.

Адабиётлар.

1. Ерофеева Г.В. Опыт проектно-организованного обучения в России.-2008.- №8.-с.122-127.
2. Ларионов В.В. Проектно-организованное обучение физике в системе открытого образования // Открытое образование.-М.: Минобрнауки, 2007.- №4.-с.11-15.